


УЗБ. 2  
34  
Ш-74



АДҲАМ ШОДМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА  
ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИ

АДҲАМ ШОДМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА  
ФУҚАРОЛИК  
ЖАМИЯТИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИ

3017 (584.4)

B16566

O'ZMU

ilmiy kutubxonasi

ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2011

УДК:347(575.1)

ББК 67.0

Ш74

**Шодмонов, А. Х.**

Ш74 Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ривожланиши /  
А. Х. Шодмонов. – Т.: «O‘zbekiston», 2011. – 80 б.

ISBN 978-9943-01-674-3

Мазкур асарда мамлакатимизда амалга ошириладиган, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» принципига асосланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг боришини ҳар томонлама, уларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб берган ҳолда ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Табиийки, ушбу жараёнлар ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштиришга хизмат қилмоғи лозим. Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти жамиятда юз бераётган чуқур демократик ислохотларда ўзининг муҳим ўрнига эга.

Рисолада мамлакатимизда рўй бераётган ушбу жараёнлардаги нодавлат ноижорат ташкилотлар (ННТ)нинг ўрни ва аҳамияти ҳақида гап боради.

Асар ижтимоийётчи олимларга, ҳуқуқшуносларга, ННТ фаолларига мўлжалланган.

**УДК: 347(575.1)**

**ББК 67,0**

ISBN 978-9943-01-674-3

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2011.

## СЎЗ БОШИ

Демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти куриш мамлакатимизнинг стратегик мақсади ҳисобланади. Ўзбекистон учун фуқаролик жамияти – инсоннинг камол топишига, шахснинг манфаатлари рўёбга чиқишига, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг кўп даражада амал қилишига зид бўлмаган, унга кўмаклашадиган қонун устуворлик қиладиган ижтимоий макондир. Шу билан бирга, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмаслиги керак, яъни эркинлик ва қонунга итоат қилиш ўзаро бир-бирини тўлдириб ва бир-бирини тақозо қилиб, бир вақтнинг ўзида амал қилади. Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаронинг ҳуқуқларини камситмаслиги, қонунларга ҳамма сўзсиз риоя қилиши зарур.

Ҳуқукий тизим етуклиги кўрсаткичи ҳисобланадиган ҳуқукий маданият демократик жамиятнинг асосини ташкил этади. Ҳуқукий онг даражаси одамларнинг ҳуқуқдан хабардорлиги, қонунларни билишидангина иборат эмас. Биринчи навбатда, бу қонунларга риоя қилиш ва уларни бажаришга онгли равишда тайёрлик, қонунга итоат қилиш, ҳуқуқ ва одил судловга ишончдир. Одамлар онгида ҳуқукий билимларга эга бўлганлар ва уларни амалиётда қўллай оладиганларгина маданиятли ва маълумотли деб ҳисобланишига қатъий ишонч қарор топиши зарур.

Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсати билан инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари ижтимоий тараққиёт ҳамда

давлат курилишининг муҳим устувор жихати эканини белгилаб берди. Мана шу асосда демократик кадриятлар ва принципларни, инсоннинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳамоя қилиш фуқаролик жамиятининг асосий вазифаси ҳисобланади. Фуқаролик институтлари жамият аъзоларининг фуқаролик фаоллиги, миллий онги, сиёсий маданияти ва юксак маънавияти ўсишига, уларда ўз кадр-қимматини ҳис этиш, мустақил фикрлаш укуви, ўз салоҳиятини амалга ошириш, келажакни ўз кўли билан куриш истагини тарбиялашга ҳамда жамият аъзоларининг демократик дунёқараши шаклланишига кўмаклашиши керак.

Жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқдир. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шarti – жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни, аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Бу эса – «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказиб боришда, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим.

Ўзбекистонда, ўз навбатида, бу масалада иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш борасидаги устувор йўналишлар белгиланиб, қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий нормаларнинг барча фуқаролар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш, ташаббус ва тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш

учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратиб борилмоқда.

Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мамлакатимизда жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг тузилмалари фаолияти устидан жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга юксак эътибор берилмоқда.

Турмушимизни янада эркинлаштириш йўлида юрти- мизда марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифалари давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмалари- га, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб борилмоқда.

Мустақил, барқарор, аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва кенг қатламлари манфаатларини ифодалайди- ган фуқаролик институтлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин оммавий ахборот воси- талари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тизимини ривожлантирмасдан туриб кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш мумкин эмас.

Ривожланган қонунчилик, норматив-ҳуқуқий база нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин ривожлани- шини таъминлайди. «Жамоатчилик фондлари тўғрисида», «Хайрия тўғрисида», «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлашти- риш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафо- латлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошка институтлари мустақкамланиши ва ривожланишининг муҳим омили бўлди. Ушбу Қонун нодавлат нотижорат ташкилотларининг кўп қиррали фаолиятини ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий-техник қўллаб-қувватлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг яхлит тизимини белгилаб берди. Қонунда, жумладан, куйидаги масалалар тартибга солинган:

– нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатларини бериш (фаолият эркинлиги, ахборотлардан фойдаланиш, мулкчилик ҳуқуқи); уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш (амалий нуфуз, интеллектуал фаолият натижаларини давлат органларининг ноқонуний қарорларидан, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатидан (ҳаракатсизлигидан) ва ҳоказолардан ҳимоя қилиш);

– нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш (давлат субсидиялари, грантлар бериш ва давлат ижтимоий буюртмаларини нодавлат нотижорат ташкилотлари орасида жойлаштириш).

Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистонда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятини муваффақиятли равишда амалга оширмоқда. Улар орасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Ўзбекистон маданияти ва санъати» форуми, «Сен ёлғиз эмассан», «Меҳр нури», «Соғлом авлод учун» сингари йирик нодавлат нотижорат ташкилотлари бор.

Фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида Ўзбекистонда нодавлат ноти-

жорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини шакллантириш ва уларнинг эркин ривожланишининг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларини, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини ташкил этиш, демократик қайта ўзгартиришларда ва жамиятни эркинлаштиришда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустақиллик Ўзбекистонга қатта имкониятлар ва демократик ҳуқуқий давлат куришнинг кенг истикболларини очиб берди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига асосланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштиришни янада янги поғоналарга кўтарди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти жамиятда юз бераётган чуқур демократик қайта ўзгартиришлардан далолат беради. Фуқаролик жамияти институтлари жамиятнинг демократик янгилалиши ва модернизация қилинишида фаол қатнашмоқда. Бу аҳолининг сиёсий маданиятини, ҳуқуқий онгини оширишнинг, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асослари шакллантирилиши жараёнларини чуқурлаштиришнинг асоси ҳисобланади.

---

## ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ – ЎЗБЕКИСТОННИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларданок адолатли демократик жамият қуриш учун ҳам назарий, ҳам амалий асослар мустаҳкамлаб борилган. Зеро одиллик ва ҳақиқатпарварлик халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан ҳисобланади. Ўтмишда давлатчилик негизларини, шариат қондалари ва мезонларининг пойдеворини ҳам шундай тамойил ташкил этган. Тарихимиздаги ана шу жиҳатлар, бугунги кунда қураётган эркин, ҳуқуқий, демократик жамиятимизнинг барча соҳаларида асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимиз учун ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган тенг имкониятлар, шу жараёни вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмлар яратиб берилган. Ўз-ўзидан кўринадик, инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг салоҳиятига, меҳнат қилиш истагига, ишбилармон ва тadbиркорлигига боғлиқ. Зеро, ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир киши ўз оиласини боқиши, билим олиши, тиббий хизматдан фойдаланиши, ўзининг ва қариндош-уруғларининг кадр-қимматини химоя қилиши учун барчага баробар имкониятлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари мустаҳкамлаб қўйилган, ундан ташқари, айнан у ёки бу ҳуқуқ ёки бурч қонун билан ривожлантирилган.

Биз фуқаролик жамиятини куриш йўлида, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг айрим вази­фаларини бевосита халққа – марказдан маҳаллий бошқарув органларига ўтказиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш фаолиятини янада такомиллаштириб бораёلمиз, уларнинг ваколатлари ва масъулиятини ошириб бормоқдамиз, бу эса уларнинг том маънода янада ривожланиши демакдир.

Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга дахлдор энг муҳим вази­фаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир.

Давлат бошқаруви идораларининг барча бўғинлари фаолиятини кўриб чиқар эканмиз, улар биз ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз йўлида хизмат қиляптими, жамия­тимизни янада демократлаштиришда, янада ривожлан­тиришда ўз ваколатларини амалда бажара олаяптими? – деган саволга жавоб топиш муҳим. Ваҳоланки, самара­сиз бошқарув бўғинлари қанчалик кўп бўлса, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида қийинчиликлар ва тўсиқлар шунчалик кўп бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Фуқаролик жамияти – ҳар ким ва ҳар бир нарса қонунга бўйсунитиши лозим бўлган ҳуқуқий давлатдир. Жамиятда қонун бошқарувнинг асосий ва кўп қиррали воситаси бўлиб, бунда ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига катта масъулият юкланади.

Ўзбекистонда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг иштирокини янада кучай­тириш, уларнинг ролини ошириш борасида ҳам мавжуд қонуний негизлар босқичма-босқич такомиллаштириб келинмоқда. Ҳуқуқий асосларнинг бу тарзда янгиланиши, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли

тузатишлар, шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни талаб этади.

Эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида партия манфаатларини ифодалаш мақсадида тузилган сиёсий партия фракцияси, агар кўпчилик ўринни эгалласа парламентдаги кўпчиликни ташкил этади. Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда, блок тузадиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

Бунда ривожланган мамлакатларнинг ижобий тажрибасига бирмунча яқин қонда, яъни ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси учун қонун билан қуйидаги қўшимча ҳуқуқлар берилган:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул кўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш, муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг қафолатли иштирок этиши.

Сиёсий партиялар фракцияларнинг ваколатлари доираси сезиларли кенгайтирилган. Бу ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий

партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилиш механизмида кўриш мумкин<sup>1</sup>.

Худди шундай ваколат сиёсий партияларга вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларига муносабат юзасидан ҳам берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари тегишли вилоят ёки Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун номзодини тақдим этади.<sup>2</sup>

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг сиёсий партиялар билан бир қаторда жамиятда юз бераётган жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашувини таъминлайдиган ҳуқуқий асослар, қонунчилик базаси сезиларли тарзда такомиллаштирилди. Бунда бирлашмалар, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари, турли хил хайрия ва ижодий жамғармалар ҳамда уюшмалар фаолияти ҳам алоҳида қонулар билан тартибга солинган, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, уюшмаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, уларнинг жамият сиёсий тизимидаги ўрни ва роли белгилаб берилган.

Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиб, давлат ва давлат ҳокимияти-

---

<sup>1</sup> «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни (2007 йил 11 апрелда қабул қилинган, №ЎРҚ-88, «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 15-сон, 151-модда).

<sup>2</sup> Ўша жойда.

нинг барча тармоқлари фаолиятининг асослари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилинган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талаблари ва Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида фуқаролар, унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, уни амалга ошириш, унга кафолат бериш борасида таъсирчан омил – катор демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўз фаолиятини олиб бормоқда, у олий қонунчилик органида жамиятимизда инсон ҳуқуқлари муаммосини ҳал этиш масаласини янги сифат даражасига кўтаришга хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқий маданият даражаси факатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У – қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир. У – одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият – турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир.

## **ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ АСОСИ**

Ҳар қандай ривожланган демократик давлатда қонунчилик ва ҳуқуқ тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодий фаолиятнинг, тадбиркорлик ва меҳнатнинг давлат томонидан кафолатланган эркинлиги, мулкчиликнинг барча шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий ҳимояланганлиги

қонунчилик ва ҳуқуқнинг ўз муносиб ўрнига эга бўлиши муҳим омилдир.

Қонуннинг устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий принциpidир. У ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини назарда тутлади. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир киши қонунга бўйсунмиш мажбуриятидан халос бўлиши мумкин эмас. Қонун олдида ҳамма баробардир. Қонуннинг устуворлиги шуни билдирадики, асосий ижтимоий, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади.

Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онига синган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустақкам ўрин эгалламоқда. Барқарорлик ва тартиб, миллатлараро тотувлик, фуқаролар аҳиллиги ва диний бағрикенглик тамойиллари мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини ошириб, халқаро жамоатчилик ишончига ва ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий ўзгартириш соҳасида

кенг кўламли ислохотлар ўтказилмоқда. Ўтказилаётган ислохотларнинг қонуний замини яратилди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустаҳкамланмоқда ва такомиллаштирилмоқда.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилдир.

Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуқлигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Қонунни ҳурмат қилиш ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётга татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин.

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «**Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқ-**

шунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устувор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва жамоатчилик фикрини ўрганишда муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, 1997 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан «**Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури**» қабул қилинди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича БМТ шартномавий органлари тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режалари асосида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллий ўқитиш ва таълим тизими шакллантирилган. Мазкур миллий тизим мактабгача ва мактаб ёшидаги, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари, малака ошириш курси тингловчилари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқаларни қамраб олади. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифат тизими шакллантирилган, таълим муассасалари иш жадвалига «Инсон ҳуқуқлари» ва «Бола ҳуқуқлари» махсус курслари киритилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш мавзусига оид йиғирмадан ортиқ махсус журнал ва газеталар кўп минглик адад билан нашр этилмоқда, барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий

таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳуқуқий асослари ўрганилиши йўлга қўйилган.

Мутахассисларнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари масаласига оид миллий таълим тизими ўз самарасини кўрсатди, у миллий ва халқаро органлар томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усул ва воситалари тўғрисида билим олишга кўмаклашади, демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришга ёрдамлашади. Бундай давлатда эса Конституция ва қонунларнинг устуворлиги таъминланиб, инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» дастурий маърузасида: «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жihatдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеаликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоатқоролик туйғусининг янада ортишини таъминлайди», – деб кайд этиб ўтган эди.

Шу билан бирга, давлат раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эр-

кинликларининг химоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этадиган инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Давлат раҳбарининг мазкур ташаббуси нафақат мамлакат жамоатчилиги орасида, балки хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва экспертлар доираси, халқаро ташкилотлар вакиллари томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланди.

Инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланишига оид долзарб илмий-назарий ва амалий масалалар муҳокамаси доирасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида, уларни миллий ва халқаро ташкилотлар томонидан химоя қилишнинг усул ва воситалари ҳақидаги билимлар мажмуи ҳамда уларга ўз хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатидаги муносабати «инсон ҳуқуқи маданияти» тушунчасининг шаклланишига асос яратади.

Инсонларнинг баркамол ривожланиши учун шароитларни яратиш, шахс манфаатларини амалга оширишнинг амалий механизмларини шакллантириш, жамият асоси бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳулқ-атвор стереотипларини ўзгартириш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида мамлакатда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ҳам ўз нуктаи назарини шакллантирмоқда ва уларни илгари сурмоқда. Бунда сиёсий кучлар томонидан ҳам давлат органлари, ҳам нодавлат ташкилотларни сафарбар этиб ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, уларнинг турли давлат органлари ва айниқса, таълим муассасалари билан ўзаро алоқаларнинг ривожланишига фаол кўмаклашувчи лойиҳалар таклиф этилмоқда. Бу лойиҳалар фан ва техниканинг энг янги

ютуқларига суянадиган жамият интеллектуаллашувига устувор эътибор беради. Бугун инсон маънавий салоҳияти унинг ҳуқуқий маданият ва онгини юксалтириш билан бирга узлуксиз ўсишини таъминлашда мамлакат сиёсий кучларининг фаол иштироки ҳам кузатилмоқда.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнининг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, босқичма-босқич олиб борилаётганлиги ҳамда самарадорлиги муайян шахсларга, бевосита фуқароларнинг ўзига боғлиқдир. Ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг истиқболи айти фуқаролар қандай бўлишига, қандай маънавий-маданий ва ахлоқий кадриятларга содиқ эканлигига боғлиқ бўлади.

Инсоният жамияти давлат ва шахс ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўлгандагина муваффақиятли ривожланиши мумкин.

«Демократик жамият бу – энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни – шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди»<sup>1</sup>.

Демократик жамиятда самарали давлат бошқарувининг асосий омили ҳокимиятларнинг шунчаки расмий бўлишида эмас, балки ижтимоий манфаатларни мумкин қадар кенг жамлайдиган ва шахсий манфаатларнинг сиё-

<sup>1</sup> *И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. 1995, 175-бет.*

сний қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсирини энг кам даражага туширадиган давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро боғлиқлик механизмларининг мавжудлигида, деб ҳисобланади. Демократик давлат тузумида бу ролни кенг жамоатчилик қатламларининг манфаатларини ифодалайдиган ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган, рақобатлашаётган партиялар тизими ўйнайди.

Фуқароларнинг давлат ҳаётида иштирок этиши жараёни анча кучайиб бормоқда ва сиёсий партиялар, ноҳукумат ташкилотлар фаолиятида, ҳаётнинг барча жабҳалари, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳам органлар ва мансабдор шахслар фаолиятининг ижтимоий назоратини ҳамкорликда амалга оширишга қаратилган оммавий ахборот воситаларининг фаоллашувида ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистонда фуқароларнинг кўпгина жамоат бирлашмалари ташкил этилган, уларнинг кўпчилиги кўпгина ваколатларини ҳудудий ёхуд минтақавий ва маҳаллий вакилликларига ўтказган. Шу билан бирга, уларнинг жамиятни ислоҳ қилишга имкон берувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор. Шундай экан, кўпгина нодавлат ноижорат ташкилотлари давлат ва жамият зиммасидаги айрим муаммоларга, хусусан, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, фуқароларнинг у ёки бу масалалардаги ижтимоий-иқтисодий манфаатларини амалга оширишда давлат ўртасида боғловчи кўприк вазифасини ўташи, бундай вазифалар ўзларининг иштирокларида адо этилиши юзасидан масъулиятини сезишлари талаб этилади. Бунда, ҳар қандай масалага фақат эътибор қаратиш билан чекланмасдан, балки уни ҳал этиш, унинг ҳолати тўғрисидаги кузатувлар ва мониторингни олиб боришлари назарда тутилади.

Фуқаролик жамияти бу – ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда фаол қатнашадиган, давлатнинг унинг фаолиятига аралашувида йўл қўймайдиган ҳуқуқий макон

хукмрон бўлган, фуқаролар ва давлат ҳамкорлик асосида ишлайдиган онгли индивидлар жамиятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамиятига таъриф берилмаган бўлса-да, унда фуқаролик институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари эътироф этилган, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра:

– жамоат бирлашмалари (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, фуқароларнинг бошқа турдаги бирлашмалари) қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бўлиши лозим;

– конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, харбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний аломатлар бўйича сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади;

– жамоат бирлашмалари ижтимоий ҳаётда иштирок этиши учун тенг ҳуқуқий имкониятларга эга, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди;

– давлат органлари ва мансабдор шахслар жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашмайдилар, шунингдек, жамоат бирлашмалари давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашмайдилар;

– сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлайдиган манбалар ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга ошқора ҳисоботлар бериб турадилар;

– давлат диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмайди;

– жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, уларнинг фаолиятини тақиклаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилади;

– оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди, цензурага йўл қўйилмайди;

– ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан тартибга солинади.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг юқорида айтиб ўтилган конституциявий тамойиллари «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Қасаба уюшмалари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларда ўз ифодасини топган.

2006 йил декабрида Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди<sup>1</sup>.

Мазкур қонун билан ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча ННТларга, шу жумладан, қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва бошқа ННТларнинг фаолияти қафолатларини тартибга солиди, хусусан уларнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган қуйидаги: фаолият эркинлиги ҳуқуқи, ахборотдан эркин фойдаланиш ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқи (5–7-моддалар)ни қафолатлайди. Бу ҳуқуқлар қафолатлари назарда тутилган барча моддаларда ушбу ҳуқуқлар давлат муҳофазасидадир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1–2-сон, 2-модда.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг асосий ва устувор хусусияти, унда ННТларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши шакли субсидиялар, грантлар ва бевосита ННТлар ўртасида жойлаштириладиган ижтимоий буюртмалар кўринишида мустаҳкамлаб қўйилган.

2007 йил 2 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонуни ННТларнинг ҳомийлик фаолияти соҳасидаги мақомини белгилайди<sup>1</sup>. Бунда, жамиятнинг, айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш учун тузилган нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, жамоат фонди шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини янада жонлаштириш ва бу борадаги қонунчилик асосларини такомиллаштириш йўлида Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишида «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» номли маърузасида баён этган дастурий вазифалардан келиб чиқиб, олдимизда турган қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор беришимиз лозим бўлади.

Биринчидан, жойларда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш масалалари юзасидан жамоатчиликнинг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув органларининг фикрини чуқур ўрганиш меҳа-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 17–18-сон, 174-модда.

низмларини ишлаб чиқиш ва унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш. Бунда доимий субсидиялар олувчи фуқаролик жамияти институтларининг салоҳиятидан янада тўлиқроқ фойдаланиш жоиздир.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида тузилган Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқарувчи Парламент комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилаётган мақсадли дастурлар, концепциялар ва лойиҳаларни амалга ошириш борасида мутахассисларни жалб этган ҳолда экспертиза ташкил этиш ва тавсиялар тайёрлаш бўйича тизимли ишни йўлга қўйиш лозим. Асосий кўрсаткич – лойиҳаларда жамият манфаати акс этиши ва уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик бўлиши, шунингдек, харажатларнинг асосланганлиги.

**Учинчидан,** жамоат фонди маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилиши, фонд томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар ва дастурларнинг самарали назоратини (мониторингини) амалга ошириш. Давлатдан молиявий ёрдам олиб турган ва мамлакат бўйлаб лойиҳаларни амалга ошириб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг доимий «Маълумотлар базаси»ни яратиш, мунтазам янгиланган бориш, ундан ташқари, бу масалалар юзасидан тегишли ахборот ва таҳлилий материалларни тайёрлаб бориш.

**Тўртинчидан,** Парламент комиссияси томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини янада кенгайтириш ва либераллаштириш масалалари юзасидан таҳлилномалар (умумлашма, обзор, маълумотнома, ахборотнома) тайёрлашни йўлга қўйиш.

**Бешинчидан,** нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг

мустақил ва эркин фаолиятини таъминлашга қаратилган, уларга иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириб бориш.

**Олтинчидан**, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва дастурларнинг кўриб чиқилиши ва уларнинг самарадорлигини ўрганиш билан боғлиқ фаолият билан таништириш мақсадида Парламент комиссиясининг мажлисларига грантлар танловлари ғолиблари бўлган ёки ижтимоий буюртмаларни бажараётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг раҳбарларини таклиф этиб бориш, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларини муҳокама этиш учун ҳамда минтақавий ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар ва дастурларнинг ижроси юзасидан давлат бошқарув органлари, йирик жамоат бирлашмалари вакилларини таклиф этиб бориш лозим.

## **ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МИЛЛИЙ УЮШМАСИ**

Бугунги кунда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан барча нодавлат нотижорат ташкилотларининг 40 фоизи, аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал этиш билан 14,2 фоизи, соғлиқни сақлаш, таълим, экология соҳасида фаолиятни амалга ошириш билан 13,6 фоизи, бошқа ижтимоий аҳамиятли вазифаларни ҳал этиш билан 12 фоизи шуғулланмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат томонидан тегишли функциялар амалга оширилиши жамоат тузилмалари томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёж сезилаётган соҳаларда ишламоқда. Сўз муҳим ижтимоий ва гуманитар

муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамоат бирлашмаларининг самарали ижтимоий шериклиги тўғрисида бормоқда.

Жумладан, хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг 55 фоизидан ортиғи таълим дастурлари бўйича ишлайди. Ушбу дастурлар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, репродуктив саломатлик, гендер таълими, хотин-қизларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сингари йўналишларни ўз ичига олади. Хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббуси билан республиканинг турли вилоятларида аҳолининг ижтимоий ночор қисмларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 25 та таълим марказлари ташкил этилган ва улар фаол ишламоқда.

2005 йилда умуммиллий Фуқаролик форуми ўтказилиши фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Форум якунлари бўйича Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси ташкил этилди. Бугунги кунда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси ўз таркибида аҳоли томонидан қўллаб-қувватланадиган 300 дан ортик мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини бирлаштиради.

Мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Миллий уюшма фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Уюшма, аввало, давлат томонидан камроқ қўллаб-қувватланган – ночор, айни вақтда фуқароларнинг ташаббуси билан ташкил этилган энг фаол ва ҳуқуқий лаёқатли нодавлат нотижорат ташкилотларининг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга даъват этилган.

Уюшманинг иши 5 та асосий йўналишда амалга оширилади. Булар: аёллар, ёшлар, ҳуқуқий, экологик-иктисодий, ижтимоий-гуманитар йўналишлардир. Уларнинг асосий вазибалари: нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий

ҳаётни янада эркинлаштириш ва демократлаштиришга, демократик кадриятлар мустаҳкамланишига, шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳаларида уларнинг ролини оширишга йўналтирилган устав фаолиятига қўмаклашиш;

– нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини жипс-лаштириш, улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, жамиятни ривожлантиришнинг устувор дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларининг интеллектуал, моддий-техник ва бошқа ресурсларини сафарбар қилиш;

– жамиятнинг ҳар хил қатламлари манфаатларига дахл қиладиган долзарб ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг самарали ўзаро ҳамкорлиги стратегиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Уюшма Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг муассиси бўлди. Молиявий маблағларни жамлаш ва ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларни амалга оширишда мамлакатимизнинг ҳукуматга қаршли бўлмаган ташкилотлари иштирокини рағбатлантириш, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларда уларнинг иштирок қўламини ошириш жамғарманинг мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Жамғармаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари таркибида унинг дастурий мақсадлар ва низом вазифалари доирасида амалга ошириладиган фаолиятини молиялаштириш учун ташкил этилган.

Жамғарманинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

**Биринчидан**, керакли моддий ресурслар ва молия маблағларини жамғариш, шу жумладан, Фукаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ва энг аввало,

Ўз олдида турган масалаларни мустақил ҳал қилаётган аҳолининг қўллаб-қувватлашига сазовор бўлаётган нодавлат нотижорат ташкилотларни рағбатлантиришга мўлжалланган маҳаллий, хорижий, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантларини жалб этиш;

**Иккинчидан**, нодавлат нотижорат ташкилотларининг энг муҳим гуманитар, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммо ва масалаларни ҳал қилиш, Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган лойиҳалари ва дастурларини молиялаштириш;

**Учинчидан**, нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда молиявий ёрдам бериш, уларга ҳуқуқий, маслаҳат, ташкилий ва бошқа турдаги кўмак бериш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳамда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича тадбирлар (конференциялар, семинарлар, тренинглар ва ҳоказо) ўтказиш.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Жамғармаси турли йўналишларда қўллаб-қувватлаш грант танловлари ўтказиб келмоқда: аёллар ва ёшлар; ижтимоий-иқтисодий; аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги; хайрия ва тиббиёт; экология ва жамият; ювенал адлия соҳасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; ишга жойлаштириш ва ишчи ўринларини ташкил этиш; профессионал таълим бериш; тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш; гуманитар йўналиш; ижтимоий масалаларни ҳал қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликдаги ташаббусларини қўллаб қувватлаш; фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш; қишлоқ жойларида фермер ва тадбиркорларнинг бозор кўникмаларини

ривожлантириш ва ҳукукий саводхонликларини ошириш; алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган аҳоли гуруҳларини : жисмоний имкониятлари чекланган кишиларни, ишсиз аёллар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

## **«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ (ФОНД ФОРУМ)**

2004 йилда ташкил топган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» Жамғармаси (Фонд Форум) маҳаллий илм-фан, маданият, маориф ва спортни қўллаб-қувватлаш учун бирлашган фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ихтиёрий ўзини ўзи бошқарувчи очиқ нодавлат бирлашмасидир.

Жамғарма фаолияти ўзбек халқининг бой маданий мероси, миллий анъаналарини қайта тиклаш, етакчи жамоатчилик ва маданият арбобларининг ижодий салоҳиятини бирлаштириш, ёш истеъдод ва иктидор эгалари, ижодкор сулолаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Жамғарма Ўзбекистоннинг ноёб миллий маданияти, бой тарихий мероси ҳамда турфа замонавий санъати ҳақида объектив маълумотларни жаҳон ҳамжамиятига етказиши ҳамда, ўз навбатида, мамлакатимиз жамоатчилигини жаҳон маданиятидаги ўзгаришлар билан таништириши. Фонд Форум мамлакатлар ва турли миллий бирлашмалар ўртасида ижтимоий-гуманитар ва умуминсоний алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида дипломатик ҳамда жамоат ташкилотларининг кучларини бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратади.

Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари сирасига халқаро тақдиротлар, ёшларга қаратилган лойиҳа ва акциялар, болалар ижодиёти, мода ва дизайн, продюсерлик лойиҳалари, фестиваллар, кўргазмалар, концертлар, кўшма лойиҳалар, хайрия акциялари ва ижтимоий лойиҳалар ва спорт кирази.

Бугунги кунда Жамғарманинг Пекин, Москва, Токио, Париж, Вена, Мадрид, Нью-Йорк, Берлин ва Женевада бўлинмалари бор. Буюк Британия, Испания, Бельгия, Болгария, Миср, Люксембург ва бошқа мамлакатлардаги ҳамкорлар билан маданий алоқалар йўлга қўйилган. Жамғарма маданият, фан ва таълим соҳасидаги етакчи халқаро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКОнинг расмий ҳамкорига айланган минтақадаги дастлабки ташкилотдир. Икки ташкилот ўртасидаги Англашув меморандуми 2007 йилда Парижда имзоланган. Шунингдек, Ҳамкорлик меморандумлари Британия кенгаши, Швейцария ҳамкорлик бюроси, Криштиану Роналду фонди, Хитойнинг Сун Цинлинь номидаги фонди, Австрия нафақахўрлар уюшмаси, Бутунхитой халқаро дўстликни ривожлантириш ассоциацияси, Самуэль Это‘О фонди, Нагойя Давлат университети, Москва Давлат Лингвистика университети, Миср маданиятини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Корея миллий музейи билан имзоланган.

2010 йилда Ўзбекистон жамоат ташкилотлари орасида илк маротаба Фонд Форум БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) қошида маслаҳатчи мақомига эга бўлди.

Жамғарма марказда ва жойларда ўзининг кенг тармоқли тизимини ташкил этган, уларга ижодиёт марказлари, турли мажмуалар, уюшмалар киради.

**Болалар ижодиёти марказлари** 2004 йилдан Тошкент шаҳри ва вилоятларда ташкил этилган. Ҳозирги кунда Тошкентда иккита ва Самарқандда битта марказ тўлақонли фаолият юритмоқда. Уларда 2000 нафардан ортиқ болалар компьютер сабоқлари, актёрлик маҳорати, чизмачилик, каштачилик, ашула, рақс, шахмат сингари турли йўналишлар бўйича тахсил олишади. Марказлар ўсиб келаётган авлодни ўзбек халқининг маданий бойликлари билан таништириш, ёш истеъдод эгаларини аниқлаш

ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Бу масканларда доимий равишда болалар учун тадбирлар ва танловлар, болалар ўртасида шахмат турнири ўтказилади.

**«Форум Юниор Спорт» болалар спорт мажмуаси** 2005 йилнинг ёзида ўз ишيني бошлаган. Болалар спорт мажмуаси залларида етакчи мураббийлар болалар билан спортнинг бадий гимнастика, ушу ва бошқа турлари бўйича шуғулланишади. Бугунги кунда марказда 100 нафарга яқин болалар шуғулланишмоқда, уларнинг кўпчилиги халқаро мусобакаларда иштирок этиб келишмоқда. Болалар спорт маркази мамлакатимизда болалар спортини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларини ташкил этмоқда.

**«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази** 2006 йилда ташкил топган. Марказ ўз бағрига Фонд Форумнинг бир қанча ёшлар лойиҳалари ғолиблари ва иштирокчиларини бирлаштирган, хусусан, Таълим грантлари дастури, Иктидорли талабалар учун стипендиялар дастури, шунингдек, Ўзбекистон ёшларининг яна бир йирик лойиҳаси – «Келажак овози» иктидорли ёшлар танлови лауреатлари шулар қаторига киради.

Марказ фаол ёшлар томонидан ишлаб чиқилган алоҳида йўналишлар бўйича иш олиб боради, булар – таълим, маданият ва санъат, ёшлар матбуот маркази, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, интеллектуал клублар ассоциацияси, ахборот технологиялари, таржимонлар клуби.

2007 йилда Тошкентда **ЁТМ Ресурс маркази** фаолият бошлаган бўлиб, унда сўнгги бадий ва илмий адабиётлар тўпланган шином кутубхона, талабалар учун интернет зал бор. Бу ерда ёшларга мўлжалланган кизиқарли тадбирлар, кенг камровли акциялар ҳамда ЁТМнинг кундалик фаолияти учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган.

2008 йилдан ЁТМ қошида қатор лойиҳалар очилган, улар орасида «Келажак-Тур» халқаро ёшлар туризми ва

хамкорлик бюроси, Ёш тадбиркорлар мактаби, «Kеlајak Lingvo» тил маркази, Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази, «Келажак овози» ёшлар телестудиясини тилга олса бўлади.

Ёшлар ташаббуслари марказлари бўлимлари Ўзбекистоннинг барча вилоятларида мавжуд бўлиб, улар 5 минг нафар фаол ўғил-қизларни бирлаштиради. «Келажак овози» ЁТМ ёшлар форумлари ва видео анжуманлар, ўқув лагерлари, йўналишлар бўйича семинарлар ва тренинглар, Тошкент ва вилоятларда ёшларбоп ижтимоий акциялар ва бошқа қизиқарли лойиҳа ва тадбирларни мунгазам равишда ўтказиб келади.

**Миллий санъат маркази** 2007 йилда тузилган, марказ гумбази остида бадий салонлар, миллий рақс бош сахнаси, турли халқлар ошхонаси таомлари тамадхоналари ҳамда замонавий дўконлар жойлашган. Унинг ҳар бир бадий салони алоҳида санъат турига бағишланган бўлиб, булар: кулолчилик, кандакорлик, гиламдўзлик, тўқимачилик, зардўзлик, мусикий асбоблар, замонавий санъат, наққошлик, қадимий буюмлар. Марказда анъаналар ва замон уйғунлашувини кузатиш мумкин, атоқли халқ усталарининг ишлари ёш авлод вакилларининг асарлари билан бир қаторда намойиш этилган.

**AZIA галереяси** 2007 йилда ташкил топган, бу лойиҳа Ўзбекистонда биринчи, замонавий визуал санъат йўналишида фаолият юритадиган профессионал бадий кўргазма саналади. Унинг тузилишидан мақсад – визуал расомлик санъатидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда кўргазма акцияларини ўтказиш, Ўзбекистон ва хориждаги фотографлар, визуал расомларни рағбатлантириш. AZIA галереяси ўзбек амалий санъатидаги иктидорлар ва жаҳон бадий ҳаётида замонавийликни уйғунлаштирувчи кўприк саналади. Галерея Россия, Германия, Нидерландия, Франция, Буюк Британиядаги кўплаб музей ва галереяларнинг

етакчи ва таниқли мутахассислари билан ҳамкорлик ўрнатган.

**«Чемпионлар форуми» спорт мажмуаси** 2008 йилда ташкил топган. Мажмуа Фонд Форумнинг Спорт грантлари дастури доирасида очилган. Фонд Форум мамлакатимизнинг барча худудларида ёш умидли спортчилар орасида танлов ўтказиб, унинг натижасига кўра уларнинг энг яхшиларига ҳар чоракда грант топширилади. «Чемпионлар форуми» спорт мажмуаси – халқаро андозалар даражасида жиҳозланган замонавий бино, унда етакчи мураббийлар ёш умидли спортчилар билан спортнинг турли йўналишлари бўйича машғулотлар олиб боришади.

**«MEROS» Ўзбекистон антикварлари уюшмаси** маданият ва санъат вакиллари, коллекционерлар ва қадимий буюмлар соҳасидаги мутахассисларни бирлаштирган нодавлат нотижорат ташкилотдир.

Уюшма Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги – халқ ижодий асарларини қайд этиш, халқ ижоди асарлари, тарихий ва маданий меросни асраш ва кўпайтиришни ўз олдига мақсад қилган. Ўзбекистоннинг халқаро даражада мақомини таништириш ҳуқуқига эга жамоат ташкилоти саналади. Уюшма санъатнинг ноёб турлари борасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

**Тарих.** Ушбу ноёб ташкилотнинг дунё юзини кўришида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг хиссаси беқиёс. Бу ерда илк маротаба миллий меросни сақлаб қолиш, илк тасвирий санъат мактаблари ва уларнинг ваколатхоналари, алоҳида қимматга эга бўлган қадимий буюмлар ва улар ҳақидаги маълумотлар базасининг ҳолати, шунингдек, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш зарурати масалалари кўтарилди.

2006 йили Тошкент ва Санкт-Петербургда Жамғарма томонидан ўтказилган «Шарқ ҳақида ўйлар: рус хашамати ва Бухоро шойилари» кўргазмаси бу йўлда қўйилган илк

кадамлардан бири эди. Кейинроқ Чингиз Аҳмаровнинг Ўзбекистон пойтахти ва Россияда намойиш этилган картиналар экспозицияси ўтказилди. Ушбу икки лойиҳа музей ва шахсий тўпламлардаги донг таратган ва авваллари номаълум бўлган қадимий асарларни ўз ичига олиб, муҳлисларга гўзаллик намуналари билан яқиндан танишиш имконини берди.

**Абу Али ибн Сино (Авиценна) номидаги халқаро халқ табобати уюшмаси** фаолиятининг пиروвард йўналиши шарқона табобат билан бевосита боғлиқ. Табиблар – шарқона тиббиётчиларнинг кўп асрлик тажрибаси, Ибн Сино сингари буюк табобатчиларнинг илмий тадқиқотларига асосланган Ўзбекистон халқ табобати қайта тикланиш даврини бошдан кечирмоқда, инсон саломатлигини сақлаш борасида тиббиётчилар билан ҳамкорликда кенг қамровли масалаларни хал қилишга интилмоқда.

Уюшманинг мақсади шарқона тиббиёт асосларини қайта тиклаш, сақлаб қолиш ва такомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

**«Ҳаёт учун!» кўкрак беши саратони миллий уюшмаси** 2010 йилда ташкил топган. «Аёллар кенгаши» РЖБ, «Ҳаёт учун!» аёллар ҳамжамияти, «EUROPA DONNA-Uzbekistan», Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни ҳимоя қилиш фонди (ИТҚҚФ) томонидан ташкил этилган «Кўкрак беши саратони ва бошқа онкологик касалликларни даволашда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш» давра суҳбати чоғида қабул қилинган Кўкрак беши саратонини профилактика қилиш, барвақт аниқлаш ва даволаш ҳамда КБС билан хасталанган аёлларни реабилитация қилиш дастури доирасида ташкил этилган.

Ундан ташқари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бир қатор лойиҳалари бўйича кенг қамровли иш олиб бормоқда. Булар:

**«Базар-арт» кўргазма ярмаркаси** Миллий санъат марказида ўтказилади. Мазкур лойиҳа анъанавий ва замонавий амалий санъат соҳасидаги ижодий салоҳиятни юзага чиқариш, кенг жамоатчиликни ушбу соҳадаги аҳамиятли ўзгариш ва янгиликлар билан таништириш, ижодкор сулолалар ва истеъдодли ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий меросни сақлашга йўналтирилган.

Кўргазма-ярмарка Ўзбекистоннинг турли чеккаларидан келган маҳоратли уста ва ҳунармандларни Тошкентга йиғади. Улар орасида ота-боболарининг ишини давом эттириб келаётган усталар, академиклар билан бирга эндигина бу соҳада иш бошлаган ёш истеъдодлар ҳам бор. Лойиҳа Ўзбекистондаги миллий амалий санъатнинг ҳозирги даражасини ўрганиш, унинг йўқолиб кетаётган йўналишларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, ижодкор сулолалар, маҳоратли усталарни қўллаб-қувватлаш, миллий меросни сақлаб қолиш ва кўпайтиришга қаратилган.

**«Болажонлар-ширинтойлар»** болалар модаси фестивали ҳар йили Фонд Форум ва «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлари ассоциацияси томонидан ўтказилади. Тадбир доирасида болалар либослари мода намойишлари, график ишланмалар, мактаб либослари танловлари, энг яхши дизайнер, энг яхши дефиле, жажжи болакайларнинг энг яхши ижодий чиқишлари ўрин эгаллаган. Фестивалда эндигина сахнага кириб келаётган дизайнерлар ва ўз касбининг усталари иштирок этишади.

**«Асрлар Садоси»** анъанавий маданият фестивали халқимизнинг анъана ва удумлари, амалий санъати ва миллий ошхонаси, халқ оғзаки ижоди каби йўналишларининг турфа ва хилма-хил эканлигини намоён этади. Ушбу фестиваль ҳар йили мамлакатимизнинг турли маданий ва тарихий марказларида халқ сайли тарзида ўтказилиб, ҳудудларнинг ҳар бири авлоддан-авлодга асраб-авайлаб

етказилаётган ноёб маънавий мерос, асрларга татигулик анъаналарга эга эканини намойиш қилади.

**«Янги Авлод» Республика Болалар ижодиёти фестивали** Фонд Форум томонидан «Камалак» болалар ташкилоти кўмаги остида ўтказиб келинмоқда. 2009 йили ЮНИСЕФ болалар фонди кўмаги остида «Янги авлод» фестивали «Болалар ҳуқуқлари халқаро конвенцияси»нинг БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланди. 2010 йилдан грантлар нафақат Фестиваль лауреатлари, балки ансамбллар раҳбарларига ҳам топширилади.

Ўтган вақт ичида «Янги Авлод» нафақат мамлакатимиз истеъдодли болаларини кашф этиш ва келгусида мукамаллаштиришнинг ўзига хос модели, балки ўзини намоён этиш, ёрқин юлдузлар билан бир саҳнада чиқишлар қилиб, жамоатчилик назарига тушиш имконидир.

Болалар ижодиёти фестивали иштирокчилар ва ғолиблар учун янги имкониятлар эшикларини очмоқда. Уларнинг кўпчилиги халқаро фестиваль ва танловларда иштирок этишда ташкилотчиларнинг кўмагига эришган бўлиб, бундан ташқари Ўзбекистондаги йирик концертлар ва мусикий лойиҳаларга мунтазам равишда таклиф этилади. «Янги Авлод» ўзини намоён этиш ва катта саҳнага йўл олиш имкониятидир.

**«Келажак овози» Республика ёшлар танлови** Ўзбекистонда ўтказилувчи ёшларга мўлжалланган энг йирик лойиҳалар бўлиб, танловлар «Архитектура ва дизайн» (архитектура, либослар дизайни, интерьер ва ландшафт дизайни), «Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник лойиҳалар (веб-лойиҳалар, дастурлаш, техник ишланмалар менежмент, маъмурий ишларни яхшилаш ва ишлаб чиқариш жараёнини тизимлаштириш бўйича таклифлар), «Анъанавий санъат» (тасвирий санъат, безакли амалий санъат, фольклор, ракс) ва «Адабиёт ва

журналистика» (наср, назм, публицистика) йўналишлари бўйича ўтказилмоқда.

Илк мартаба 2005 йили ўтказилган танлов бутун республика бўйлаб ёшлар орасида оммалашган. Унинг саралаш босқичларида илк кунлардаёқ 3 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этишди, 2010 йили иштирокчилар сони 71 минг нафарга етган бўлиб, бу Ўзбекистонда ўтказиладиган танловлар учун рекорд даражасидаги сондир.

**Style.uz** санъат ҳафталиги Фонд Форум томонидан «Дом стилия» билан ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда. Ушбу лойиҳа кенг кўламлилиги ва динамикаси, тадбирларнинг турфа хиллиги билан ҳайратга солмоқда, дунёга машҳур шахсларнинг эътиборини тобора кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Art week санъат ҳафталиги – лойиҳанинг айнан мана шундай шакли дастлаб Style.uz концепцияси асосига қўйилган эди.

Лойиҳа модалар ҳафталикларидан тубдан фарқ қилади, негаки, бу ерда рассомлар ва нодир буюмлар кўргазмалари, такдимотлар, Миллий либослар фестивали, миллий ва хориж модельерлари дефилеси, маданиятнинг турли соҳалари мутахассисларининг маҳорат дарслари, хайрия концертлари ва жаҳон эстрадаси юлдузларининг чиқишлари бор. Art Week-2009 доирасида Тошкентда Замонавий санъат халқаро биенналесини ўтказилди.

Style.uz ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ҳамда мато, андоза ва либосларни ишлаб чиқаришнинг қадимий технологияларини тиклаш билан шуғулланувчи тўқимачилик санъати усталари учун грант ажратишга асосий эътиборни қаратади. Маданиятнинг турли соҳаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва ижодкорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган Art Week Style.uz йирик маҳаллий ва ЮНЕСКО, Британия кенгаши сингари халқаро тузилмалар, жамоат ташкилотлари ҳамийлигида ўтказилмоқда.

**Ёш футболчиларни қўллаб-қувватлаш дастури** мамлакатимизда маҳоратли футболчиларнинг янги авлодини вояга етказиш, болалар ва ўсмирлар жамоалари ҳамда футбол мухлисларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш, жаҳон футбол юлдузлари билан маҳорат дарслари, шунингдек, ушбу йўналишдаги бошқа тадбирларни ўтказиш, футбол кийимларини топшириш сингариларни назарда тутати.

**«Навқирон Ўзбекистон» республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали.** Фонднинг ёш рассомлар ва амалий санъат усталарини кашф этишга қаратилган биринчи ёшлар учун лойиҳаси икки йилда бир марта ўтказилади. Фестивалда 35 ёшдан катта бўлмаган рассомчилик таълимотига эга рассом ва усталар иштирок этадилар. Фестиваль Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасини қамраб олади. Иштирокчилар санъатнинг қадимги турларига ёш рассом ва усталарнинг янгича нигоҳини акс эттирувчи ўзига хос асарларини тақдим этадилар. Бу асарларда тарихий анъаналар ва замонавий интилишлар, ўтмиш ва бугун, Шарк ва Ғарбнинг тутатишини кўриш мумкин.

**M&TVA** телевидение ва кино санъати ходимлари учун йиллик соврин Фонд Форум, «Муаллиф ва ижрочилар гильдияси» ҳамда ТВМ телеканали ҳамкорлигида ташкил этилган. Мусика, теле- ва видеоарт соҳасида совринлар топшириш маросими, яъни «Мусика ва теле-видео асарлари номинацияси» тақдимоти – M&TVA Фонд Форум, «Муаллиф ва ижрочилар гильдияси» ҳамда ТВМ телеканали ҳамкорлигида ташкил этилган. M&TVA доирасида Style awards, яъни Style.uz Санъат Ҳафталигининг таниқли, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида ўзини намоён эта олган замондошларимизга тақдим этиладиган махсус мукофоти топширилади. Лауреатлар томошабинлар овози натижасида ҳамда маданият ва санъат арбобларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

**Он-лайн тарзидаги ҳисобот анжуман** – Ўзбекистондаги энг технологик лойиҳалардан биридир. Шунингдек, у Фонд Форумнинг ўзига хос янгилиги саналади. Ушбу тадбир жамғарма фаолиятининг яқунларини сарҳисоб қилишнинг замонавий ва самарали усулидир. Ҳар йили Фонд қилинган ишлар ҳақида [www.on-line.uz](http://www.on-line.uz) интернет сайти орқали алоқа қилиш йўли билан йиллик фаолияти ҳақида ҳисобот беради.

Интернетдан фойдаланувчиларининг саволларига нафақат жамғарма вакиллари, балки маданият ва санъат арбоблари, таникли шахслар, эстрада ва кино хонандалари, Фонд Форум лойиҳалари ғолиблари, бир йил давомида ташкилотнинг лойиҳаларида иштирок этганларнинг барчалари жавоб беришади.

Шунингдек, ҳисобот конференциясида давра суҳбати тарзида турли йўналишлар (халқаро ҳамкорлик, маданият ва санъат, ёшлар ва хайрия) бўйича муҳокамалар ўтказилиб, уларда маданият ва санъат, таълим ва спорт соҳалари, халқаро ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ёшлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишади.

**«Baby» болалар халқаро турнири.** Лойиҳанинг асосий мақсади болалар ўртасида, айниқса, мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида бадий гимнастикани ривожлантириш, ёш гимнастикачиларни янги марралар сари интилишга ундаш, кучли спортчиларни аниқлаш, ёшлар терма жамоаси захирасини шакллантириш, ҳамда худудлар ва халқаро даражадаги алоқаларни мустаҳкамлашдир.

Мусобақалар очиқ тарзда ўтказилади, иштирокчилар эса мутлақо мустақил равишда ўз чиқишлари шаклини белгилашлари мумкин. Чикиш постановкаси, асбоблар, мусика ва костюмлар эркин равишда танланади. Шу билан бирга иштирокчилар яққа ҳамда ёшга ажратилган ва ажратилмаган гуруҳларда чиқишлари мумкин.

**Замонавий хореография ва спорт пластикаси халқаро танлови** янги мувафаккият қозонган спорт лойиҳаси бўлиб, у ёш профессионал ва хаваскорларга (5 ёшдан 25 ёшгача уч гуруҳ) имкониятлар эшигини очади. Унда иштирок этган энг яхши жамоаларга нафақат диплом ва совғалар топширилади, балки Фонд Форум томонидан грантлар ажратилади.

**«Снежинка» – бадий гимнастика бўйича биринчилик** ҳар йили Фонд Форум қошидаги «Форум Юнион Спорт» мажмуасида ўтказилади. Фонд Форумнинг бош совринлари учун олти ёш категорияси бўйича Болалар спорт мажмуасининг тарбияланувчилари ўзаро беллашишади. Биринчилик ғолиблари ва иштирокчилари диплом, совға ва совринлар билан тақдирланишади.

**«Theatre.UZ» халқаро театр фестивалининг асосий мақсади** пойтахтимиз сахналарида маҳаллий ва хорижий театрлар ютуқларини кўрсатиш, уларнинг ижодий салоҳиятини очиб беришдир. Бундан ташқари турли мамлакатлар сахна маданиятларини яқинлаштириш орқали театр санъатининг энг яхши анъаналарига нисбатан ўзаро тушуниш, ҳурмат қилиш туйғуларини уйғотиш, Ўзбекистон театр ҳаётини янада бойитишдир.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси бир қанча грантлар дастурларини ҳам юритиб келмоқда.

**Таълим грантлари дастури** 2005 йилдан буён ўтказилмоқда. Дастур доирасида саралаш босқичидан ўтган биринчи босқич талабаларига бир йил мобайнида шартнома асосида олий ўқув муассасасида ўқиши учун шартнома маблағини тўлаш мақсадида грантлар ажратилиб, иштирокчиларнинг фаоллиги ва ўқишдаги ютуқлари инобатга олинган ҳолда грант навбатдаги ўқув йилларига ҳам чўздирилиши мумкин.

**Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури** доирасида ҳар йили мамлакатимиз олий ўқув юртла-

рида таҳсил олаётган иқтидорли 3–4 босқич талабаларига стипендиялар ажратилади. Шу тариқа танловдан муваффақиятли ўтган иштирокчиларга бир йил давомида ҳар ойда қўшимча равишда стипендия тўлаб борилади. Стипендиялар навбатдаги йилга чўздирилиши мумкин.

**Спорт грантлари дастурига** 2007 йилнинг апрель ойида асос солинган. Форум жамғармаси томонидан махсус маблағ фонди тузилган бўлиб, ҳар чоракда ундан умидли ёш спортчиларга грантлар ажратилади. Спорт грантлари голиблари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида спорт турлари бўйича қобилиятли спортчиларни мунтазам равишда саралаб олиш асосида аниқланади. Айниқса, республика ва халқаро даражада эндигина ўз унвонларини қўлга кирита бошлаган ёш спортчиларга алоҳида эътибор қаратилади. 2007 йилда шу лойиҳа доирасида Тошкент шаҳрида «Чемпионлар форуми» спорт мажмуаси очилган, у ерда етакчи мураббийлар ёш спортчилар билан машғулотлар олиб боришади.

**Педагогик грантлар дастурининг** мақсади педагогик фаолиятни янада ривожлантириш учун ҳисса қўшиш, таълим бериш услуб ва усулларини мукамаллаштириш, шунингдек, ижодий изланишларга тurtки бериш, халқ таълими тизими педагогларини ойлик ва бир маротабалик грантлар бериш орқали моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Грантлар – халқ таълими тизими педагоглари (умумтаълим мактаблари), ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари (академик лицейлар, коллеж, олий ўқув юртлари) ва илмий тадқиқотчилар (аспирантлар, изланувчилар, докторантлар) ва илмий ишлар билан шуғулланаётган олий таълим жамоаси вакиллари (кафедра мудирлари, деканлар, проректорлар) йўналишлари бўйича тақдим этилади.

**Анъанавий ҳунармандчиликни ривожлантириш учун грантлар** «Bazar-Arb» лойиҳаси доирасида Фонд Фо-

рум ва «Меҳр нури» жамғармаси кўрғазма лауреатларига айланган хунармандларга грантлар ажратилади. Грантларни тақдим этишдан асосий мақсад амалий санъатни ривожлантириш, хунармандчиликнинг йўқолиб бораётган турларини ва мамлакатимиз санъатининг анъанавий шаклларини қайта тиклашдир.

**Ўзбекистондаги ҳудудий нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури** Фонд Форум ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди (ИТҚҚФ) томонидан ташкил этилган. Ўзбекистоннинг ҳудудий ННТлари ташаббуси билан ташкил этилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ушбу дастурда мамлакатимизда рўйхатдан ўтган ҳудудий ННТлар ўз лойиҳаларини куйидаги йўналишларда тақдим этишлари мумкин: маданий ва миллий анъаналарни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш, соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилма, экология ва бошқалар.

## **«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ХАРАКАТИНИНГ ФАОЛИЯТИ – ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ**

Мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим масала ҳисоблангани боис, мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб мамлакатимиз келажаги – фарзандларимизнинг тақдирига алоҳида юксак эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор мақсади – ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий

жихатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир. Бунга мамлакатимизда илк қабул қилинган қонунлар қаторида 1991 йил 20 ноябрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>1</sup> қабул қилинганлигини мисол келтириш мумкин.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати:

– миллати, ирки, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар, ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш;

– ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш;

– миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси;

– ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўллари эркин танлаб олишларига кафолат бериш;

– жамиятни ривожлантиришда, айниқса, республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши;

– ҳуқуқ ва бурчларнинг, эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги қоидаларга асосланади.

Мамлакатимиздаги кўп миллионли йигит-қизларни бирлаштирадиган Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларимизнинг мақсад-муддаоларини рўёбга чиқаришда ва уларнинг қамол топишида қатта аҳамият қасб этади.

Унинг асосий мақсади – мамлакатимиз ёшларини озод ва обод Ватан яратишдек улуғ мақсад йўлида бир-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон.

лаштириш, уларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоялаш, мустақил Ўзбекистоннинг жисмонан соғлом, маънан етук, дунёкараши теран, мустақил фикрловчи миллий ва умумбашарий кадриятларга асосланган демократик тамойилларни, бозор иқтисодиёти асосларини чуқур эгаллаган фуқароларни вояга етказишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ўсиб келаётган авлоднинг инсон ҳуқуқлари ва кадр-қимматини улуғлашга, халқимизнинг обрўси ва нуфузини, юртимизнинг шон-шухратини оширишга хизмат қиладиган узок муддатли, кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлардаги фаол иштирокчини таъминлашдан, Ҳаракатни чин маънодаги ёшларнинг суянчи ва таянчига айлантиришдан иборатдир.

Ҳаракат мамлакатда фаолият юритаётган жамоатчилик бирлашмаларининг ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг энг йириги ҳисобланиб, давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликнинг аниқ мисоли ҳисобланади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 15 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатади, Ҳаракат ҳузурида ўзининг туман, шаҳар ва вилоят бўлимларига эга бўлган, 4,2 миллион нафардан ортиқ мактаб ўқувчиларини бирлаштирган республика болалар «Камалак» ташкилоти ташкил этилган. Шунингдек, Ижтимоий хизмат марказлари тармоғи фаолият кўрсатади. Ушбу марказлар ёшларга ҳуқуқий, тиббий ёрдам кўрсатишда, уларни касбга йўллаш ва янги касбларга ўқитиш, ишга жойлаштиришга кўмаклашади.

«Камолот» ҳаракати болалар ва ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилишнинг жаҳонда ўхшаш ийқ уч босқичли тизимини рағбатлантиради. Булар – «Умид ниҳоллари» республика мусобақалари (мактаб ўқувчилари учун), «Баркамол авлод» (коллеж ва лицейлар ўқувчилари учун) ва «Универсиада» (олий ўқув юртлари талабалари учун). Ҳаракат,

шунингдек, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига ҳам кўмаклашади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз фаолиятида ёшларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини кучайтириш масалаларига устувор аҳамият беради. Тошкент шаҳрида ва мамлакатнинг барча минтақаларида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказлари, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида санъат ва болалар ижодиёти марказлари, Тошкент шаҳрида «Форум Юниор Спорт» болалар спорт комплекси очилган.

2010 йил Ўзбекистонда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган муносабати билан ҳар томонлама камол топаётган авлодни шакллантиришни таъминлаш юзасидан қабул қилинган давлат дастурлари ва бошқа тадбирларга мувофиқ болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, соғлом авлодни вояга етказиш, ёш оилалар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, ўқув юртларида таълим сифатини тубдан яхшилашга, истеъдодли ёшларни илмий фаолиятга янада фаол жалб этишга йўналтирилган қонунчилик ва норматив база такомиллаштирилди.

## **ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ**

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси оммавий ахборот воситаларининг замонавий бозорини тараққий эттириш, фуқаролик жамиятини қуришда оммавий ахборот воситалари ролини кенгайтириш мақсадида тузилган юридик шахсларнинг кўнгилли бирлашмаси – нодавлат нотижорат ташкилотидир.

Ассоциациянинг асосий мақсадларидан бири ўз аъзолари манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш ҳисобланади. Ассоциациянинг мақсадлари – илмий асосланган ягона инвестиция сиёсатини юритиш, инвестицион

дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўз фаолиятини ривожлантиришнинг стратегиясини белгилаш, маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ассоциация ва унинг аъзоларига ташқи бозор учун рақобатбардош ва юқори сифатли дастурлар, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб бориши ҳамда сотилишига кўмаклашишдир.

Ассоциация тарқок электрон оммавий ахборот воситаларини электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг ягона тизимига бирлаштириш, ўз фаолияти дастурини мустақил тарзда ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, замонавий электрон оммавий ахборот воситаларининг тараққий этган бозорини ривожлантириш, электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун қулай ижтимоий ва иқтисодий шароитларни яратиш, фуқаролик жамияти қурилишида оммавий ахборот воситалари ролин кенгайтириш, ахборот эркинлиги ва сўз эркинлигини янада ривожлантириш, ахборотнинг ҳаммабон, тезкор ва ишончли бўлишини таъминлаш, электрон оммавий ахборот воситалари бозорида шу соҳанинг барча субъектлари учун тенг шароитлар яратилишига кўмаклашув, горизонтал алоқалар тизимини яратиш, ассоциация аъзоларини қўллаб-қувватлаш, электрон оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий асосларни барпо этишга йўналтирилган ташаббусларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ва кўмаклашиш, ассоциация аъзоларининг ижодий, техник ва бошқарув салоҳиятини ошириш бўйича ишлаш, тезкор ривожланаётган бозор муносабатлари шароитида телерадиоэшиттиришлар тузилмаларини бошқара олувчи журналистлар, менежерлар, продюсерлар тайёрлашга кўмаклашиш, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича хорижий жамоат ташкилотлари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш, электрон оммавий ахборот воситалари журналистлари кодексини

ишлаб чиқиш ва шакллантиришда иштирок этиш, шунингдек, ассоциация аъзоларининг муаллифлик ва турдош ҳуқуқларини, кадр-қиммати ва ишчанлик обрӯсини ҳимоя қилишга кўмаклашиш, шунингдек, янги тузилаётган электрон оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига ва касбий ўсишига кўмаклашишни назарда тутати.

Ассоциацияга аъзолик ихтиёрийлик асосида индивидуал шаклда амалга оширилади. Мустақил ривожланаётган, ўзини ўзи таъминлайдиган, Ассоциация олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, ҳаққоний ҳисса кўшишга қобилиятли миллий электрон оммавий ахборот воситалари Ассоциацияга аъзо бўлиши мумкин.

## **ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ БОСМА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ**

Фуқаролик жамияти институтлари ичида энг фаол ва медиа маконда етакчи ўринни тутадиган, эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини куриш йўлидаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва эркинлаштириш, уларнинг демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Ахборот соҳасини жадал ва изчил ривожлантириш учун зарур қонунчилик, самарали меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Замонавий талаб ва стандартлар эътиборга олинган

холда, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида» ва бошқа катор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Давлат томонидан ахборот соҳасида олиб борилаётган сиёсат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи принципларининг изчил ва тўлиқ бажарилишини таъминлашга қаратилган. Мамлакатда цензурага йўл қўймаслик, оммавий ахборот воситалари фаолиятини фақат суд орқали тўхтатиш мумкинлигини кўзда тутувчи талаблар қонуний мустаҳкамланди, оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олиш тартиби соддалаштирилди.

Ахборот соҳасида жамоат, нодавлат институтлари ва тузилмаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда техник шароитлар яратилган. Республикада Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва бошқа катор жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда.

Ахборот соҳасидаги туб ўзгаришлар мамлакатимизда босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги 10 йилда уларнинг сони қарийб икки ярим баравар ошди. Бугун мамлакатимизда мингга яқин газета, 200 га яқин журнал, 55 нашриёт, 4 ахборот агентлиги фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу соҳада бозор муносабатлари ва соғлом рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, матбуот ва ахборот эркинлигининг муҳим кафолати ҳамда босма нашрлар ва ахборот агентликлари мустақил ривожланишининг зарур шарти сифатида уларнинг иктисодий мустақиллигини

таъминлаш босма оммавий ахборот воситалари соҳасида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Мамлакатимиз босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг устувор йўналиши уларнинг моддий-техника базасини юксак замонавий талабларга жавоб берадиган даражада модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш ҳамда юқори малакали журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби талаблардан келиб чиқиб, мамлакатда мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган, замонавий демократик талаб ва стандартларга жавоб берадиган босма оммавий ахборот воситаларини шакллантириш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан «Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди» ташкил этилди.

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг асосий вазифалари этиб:

– мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнларини кенг ёритишга, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик фикрини умумлаштириш ва ифода этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

– босма нашрлар ва ахборот агентликлари материалларининг профессионал, гоъвий ва бадий даражасини оши-

ришга йўналтирилган лойиҳа ва дастурлар, бошқа ижодий медиа лойиҳаларни молиялаштириш, уларнинг миллий анъаналар, Ўзбекистон аҳолисининг менталитети, ижтимоий ривожланишнинг кўп асрлик тажрибаси, шунингдек, дунё цивилизациясининг замонавий ютуқларини эътиборга олган ҳолда фуқаролар, айниқса, ёшлар онгига, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, билимли ва маърифатли қилиб тарбиялаш жараёнига ижобий таъсирини кучайтириш;

— босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган истикболли лойиҳалар ва дастурларни қўллаб-қувватлаш;

— замонавий талаб ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳаққоний ва турли хилдаги ахборот материалларини шакллантириш, сақлаш, тез ва кенг тарқатишни таъминловчи мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, модернизациялаш ва мустаҳкамлаш борасидаги лойиҳаларни молиялаштириш;

— мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг журналист ва техник ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакаси ва ижодий фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни, шу жумладан, чет элларда ўқув амалиётларини ташкил этишни молиялаштириш белгилаб қўйилди.

## **МАҲАЛЛА – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТИНИНГ НОЁБ МИЛЛИЙ ТИМСОЛИ**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён инсон ҳуқуқлари юқори қадрият ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятни қуриш мақсадида кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларининг туб моҳияти фуқароларнинг давлатни бошқариш ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишни таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар тизимини барпо этишга қаратилган.

Ҳуқуқий давлат қуриш йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг шаклланиш манбалари қадимдан мавжуд бўлган маҳалла институтига бориб тақалади. Мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда бу институтнинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Ўзликни англаш ва азалий кадриятларни тиклаш нафақат Ўзбекистоннинг, балки бошқа кўплаб мамлакатларнинг ҳам маънавияти ва маданиятининг устувор масаласидир. Истиклол туфайли мамлакатимизда жамиятни ўзига хос миллий бошқарув услуги, бошқача қилиб айтганда кўп асрлик ўзбек маҳалласи тикланмоқда.

«Маҳалла» сўзи араб тилида ҳамжамият маъносини англатади. Муайян турмуш тарзига хос одамлар ҳамжамияти маҳалладир. Унинг маъноси эрамининг IX асрларида қадимги Шарқнинг таниқли алломаси Наршахийнинг асарларида ҳам учрайди. Модомики, минг ёшдан ошаётган маҳалла мавжуд экан, асрлар оша унда бир ҳудудда яшовчи ва нафақат ўзаро маънавий-ахлоқий ва маданий кадриятлар, манфаатлар, анъаналар ва урф-одатлар билан боғлиқ бўлган, балки истеъмол воситаларини ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган инсонларнинг ноёб ҳамжамияти бўлиб келган. Унда худди қатта ҳамжиҳат оиладаги сингари ўзаро ёрдам, адолат ва инсонпарварлик руҳи мустаҳкам сақланиб қолган.

Маҳалладаги қатта ҳаётий тажрибага эга бўлган ва муайян тамойиллар асосида шаклландиган оқсоқоллар

кенгаши жамоада пайдо бўладиган ҳар қандай ижтимоий муаммолар ва можароларни ҳал этишда кўмаклашади. Маҳалла, унда истикомат қиладиган одамларнинг асосий маросим-маъракаларини ташкил этишга ёрдам бериб келган.

Маҳалла ҳашар усули билан ободонлаштириш ишларини ташкил этади. Ҳашар – у ёки бу оиланинг уйини таъмирлаш ишида ёхуд хосилни йигиб-териб олишда ёрдам бериш сингари анъанавий ўзаро ёрдам кўрсатиш урф-одати ҳисобланади. Энг муҳими – маҳалла анъанага кўра қариялар, ночор оилалар, етим болаларнинг ҳолидан хабар олиб туриш ва мухтожларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш масканига айланган.

Маҳалла фуқаролик жамияти институти сифатида ижтимоий алоқаларни кучайтириш ва ижтимоий гуруҳларнинг авлоддан-авлодга ўтиб келишига шарт-шароит яратиш каби бир қатор муҳим ижтимоий вазифаларни ҳам бажаради.

Жамият ичида самарали ўзини ўзи бошқариш тизимини таъминлаш мақсадида ўтиш даврида ижтимоий тизимнинг барқарорлиги ва мувозанатини сақлашда ҳам маҳалланинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнларида маҳаллаларга анъанавий ахлоқ-одоб қоидалари билан бир қаторда умумбашарий жамият талабларига жавоб берадиган одоб қоидаларининг ривожланиши тақозо этилади. Иқтисодий-жуғрофий жойлашувидан, аҳолисининг миллий таркибидан ва бошқа ижтимоий омиллардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир маҳалла ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини ишлаб чиқади. Маҳалла ижтимоий институт сифатида одамларнинг қонун доирасида ҳаракат қилиб, фуқаролик жамиятининг ривожига қаратилган ташаббусларининг турли кўринишларини рағбатлантириб боради.

Маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг бир кўриниши сифатида, авваламбор, ҳокимиятнинг марказлашувини рад этиб, ҳокимият субъекти ва объекти ўртасидаги муносабатлар услубини тубдан ўзгартиради ва бу орқали маҳалла аҳли ўртасида ноёб бирлаштирувчи роль ўйнайди.

Маҳалланинг асосий тамойиллари этиб куйидагилар тан олинган: демократик ёндашув, ошқоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги мустақиллик ва жамоанинг бирдамлиги, ўзаро ёрдам. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш тамойили ўзининг миллийлиги билан ажралиб туриб, маҳалла институти тизими орқали аҳоли турмушига чуқур сингиб кетган. Маҳалла тинчлик ва хотиржамлик, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик ва жипслик, халкнинг фаровонлиги ҳукмронлик қилган гўшани ўзида намоён этади.

Бир томондан, азалдан юртимизда инсоният ҳамжамиятига хос қоида ва принциплар айнан маҳаллада қарор топган ва тартибга солинган, мафкуравий ва дунёқараш билан боғлиқ қарашлар тизими яратилган, бугун ҳам бу маконда ахлокий негизлар ва анъаналар, жамоатчилик фикри шакллантирилади, бошқа томондан, давлатнинг оила, ҳар хил конфессиялар билан бевосита ўзаро алоқаси, маданият ва таълим ташкилотлари билан алоқаси маҳалла ва унинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилади.

Кўплаб асрлар давомида ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий урф-одатлари ва қоидалари маҳаллада шаклланиб келган, бугунги кунда ўсиб келаётган ёш авлод шу маданият, одатлар ва анъаналар асосида тарбия топиб келмоқда. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг илк кунлариданок маҳалла давлат томонидан юксак даражада кўллаб-қувватланиб келмоқда ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг етакчисига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар йўлида» асарида – «Маҳалла аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг энг адолатли ва халқ ишончини қозонган манбаи ва механизми ҳисобланади. У жамиятимиздаги иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг мустаҳкам таянчи ва самарали воситасига айланмоғи лозим», деб таъкидлаган.

1992 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг таъсис этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маҳалланинг бекиёс аҳамияти тан олинганлигига мисол бўла олади. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий меросининг қайта тикланишига, жамиятни ислоҳ қилишга фуқароларни кенг жалб қилиш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши билан маҳалланинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, унинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ошди.

Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги фаолиятини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий негизнинг яратилиши билан унинг мақоми янада мустаҳкамланди, маҳалланинг жамиятни ислоҳ қилишдаги ўрнига алоҳида урғу берилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – унинг қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишидир, шу йўл билан маҳалла фуқароларининг ҳуқуқий маданияти оширилишида ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Маҳаллалар бугунги кунда 30 дан зиёд функцияни бажармоқда. Ушбу функциялар илгари маҳаллий ҳокимият органлари вазифасига кирар эди.

Жумладан, турли ижтимоий-иқтисодий масалалар, хусусан, ҳудудларни ободонлаштириш, кичик корхоналар ва касаначиликни ташкил этиш йўли билан аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бандлик муаммосини ҳал этиш, атрофдаги ҳудуддан оқилона фойдаланиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жамоатчилик назорати вазифаларини амалга ошириш масалалари айнан маҳаллада ҳал этилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг фаолияти доирасида ўз ҳудудидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг ободончилик ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш ваколатларига эгадирлар.

Қонунга мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар ўз фаолиятида мустақилдирлар. Бу қоида давлат органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш концепциясига мувофиқ бўлиб, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига тўлиқ мос келади.

Бу билан маҳаллада яшовчи одамларга катта имкониятлар очиб бериш мақсадида кенг жамоатчиликнинг ўзини ўзи бошқаришдаги иштироки мустаҳкамланиб, тарихан қадимдан шаклланган ва амалда бўлиб келаётган бошқарув тизими лаёқатли мақомга айланган.

Маҳаллани янада аниқроқ ном билан атайдиган бўлсак, уни қуйидагича ифодалаш мумкин бўларди – «Маҳалла бу – аҳолининг қишлоқ, қўрғон, овул, шунингдек, шаҳар доирасида доимий яшашига асосланган тарзда аниқ ҳудудга бирлашишидир».

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар тар-

кибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10124 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) фаолият кўрсатиб келади, улар таркибида 9373 таси маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, 1335 таси кишлоқлардаги ва 154 таси овулларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида (кишлоқ, кўрғон, овул ва маҳалла) фуқаролар йиғинлари кенгашларининг ашаратлари мавжуд. Йиғинларда 7800 та ишчи гуруҳлар фаолият юритади, улар маҳалла ҳаёти учун муҳим ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган масалаларни ҳал этиш бўйича кенг қамровли ишларни, шу жумладан, маънавий ва маданий меросни тарғиб қилиш ишларини амалга оширмоқдалар. Уларнинг таркибига олимлар, санъат арбоблари, педагоглар, журналистлар киради. Ундан ташқари, ҳар бир маҳаллада ёшлар билан ишлаш бўйича комиссиялар ташкил этилган, унинг вазифалари доирасига ишга жойлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш, болалар спортини ривожлантириш, маҳаллада яшовчи ўсмирларнинг бўш вақтини банд этиш масалалари кира-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 йил., 5-сон.

ди. Маҳаллаларда алоҳида эътибор вояга етмаганларнинг, айниқса, ижтимоий ҳимояланмаган оилаларнинг турмуш тарзига қаратилган. Маҳалла ўз фаолиятини ташкил этишда кўпроқ шу маҳаллада яшовчи аҳолининг жамоат фаоллигига таянади.

Бугунги кунда ҳам фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналиш ҳисобланади.

Ҳозирда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти қанчалик ортиб бораётганини барчамиз яхши биламиз.

Маҳалланинг аҳолимиз, айниқса, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бормоқда.

Айни пайтда маҳалла олдида турган вазифаларнинг янада самарали адо этилишини таъминлаш учун ушбу институт фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш масаласи турибди, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш устувор вазифа ҳисобланади. Бунинг учун маҳалланинг аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришнинг ҳуқуқий тамойилларини қонун билан янада мустаҳкамлаш зарурати бор.

Яна бир муҳим масала фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган, фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини такомиллаштириб бориш ҳам доимий тарзда кун тартибда турган долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш масаласини изчиллик билан ҳал этиш борасида мамлакатнинг давлат ва жамият қурилиши тизимида сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини тубдан кучайтиришга қатта эътибор берилмоқда. Сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини юксалтиришда муҳим восита ҳисобланиб, биринчи навбатда, сайлов жараёнининг амалга оширилишида аҳолининг хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалайди, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларининг шаклланишида бевосита иштирок этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қуйидаги сиёсий партиялар фаолият олиб бормоқда:

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси («Адолат» СДП). Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аҳолининг ўрта ва кам таъминланган қатламига таянади, уларнинг сиёсий ва ижтимоий хоҳиш-иродасини намоён этишга интилади, ижтимоий адолат тамойилига таянган ҳолда, уларнинг ижтимоий ҳимоясига кўмаклашади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси (Ўз.МТДП) «Миллий тикланиш» демократик

партияси ҳамда «Фидокорлар» миллий-демократик партиясининг кўшма съездида партияларининг бирлашиши ҳақидаги қарорига асосан ташкил топган. Партиянинг асосий мақсади республика фуқароларининг миллий ўзлигини англашлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, Ватанга муҳаббат туйғусини мустаҳкамлаш, уларнинг бор имкониятларини Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада оширишга йўналтиришдир.

«Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси» (ЎзЛиДеП). Ушбу партия умуммиллий сиёсий ташкилот ҳисобланиб, мулкдорлар, кичик бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш, бошқарувнинг юқори тажрибали мутахассисларини, ишбилармонлар синфининг манфаатларини намоён этади ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Халқ-демократик партияси (Ўз.ХДП). Ўзбекистон сиёсий кучлари майдонида сўл қанотни ифодалайди, ЎзХДП турли ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг сиёсий хоҳиш-истакларини билдиради.

Мамлакатда фаолият кўрсатаётган сиёсий партия ва ҳаракатлар бугунги кунда ўз фаолиятини янада жонлантиришга ҳаракат қилмоқда. Улар тараққий топган демократик давлатларнинг ижобий тажрибасига таяниб, юртимизда кўппартиявийлик, демократик парламентаризм тизими, сиёсий рақобат муҳитини қарор топтиришга ва жамиятимиз сиёсий майдонида ўз электорати манфаатлари йўлида дастурлари ва нуктаи назари билан кўпроқ намоён бўлишга интилмоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва ноҳукумат ташкилотлари, шунингдек, сиёсий партияларнинг фаолиятини тартибга солувчи ривожланган қонунчилик асослари яратилган.

1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши мамлакатда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда иштирок этиши учун чинакам бирлашмалари мақомини мустаҳкамлаб қўйди.

Уларга берилган кўплаб ваколатлар билан бир қаторда сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатишида конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, иркий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, миллий ва диний руҳдаги партияларни тузишни таққайлайдиган қатъий чекловлар ҳам қонун билан мустаҳкамланган.

Барча ҳуқуқий демократик давлатларда тан олинган ва умумэътироф этилган нормалар ҳам миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган, яъни давлат органларининг мансабдор шахслари ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни тўхтатиб туриши ёхуд бутунлай тўхтатиши лозим.

Энг муҳим ҳисобланган ва сиёсий партияларнинг Ўзбекистон парламентидаги фаолияти билан боғлиқ қоидалар ҳам қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги кўпчиликни ташкил этиш, ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан

келиб чиққан ҳолда, блокларга бирлашиш ёки янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган депутатларнинг муҳолифат деб тан олинishi ҳам бу борада Ўзбекистоннинг сиёсий майдонида ўз манфаатлари йўлида сиёсий партияларга бирлашган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва конституциявий манфаатларининг мустаҳкам қонунчилик асослари яратилганлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сиёсий кучлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларида фаолият олиб боришлари учун уларга етарли ҳуқуқий кафолатлар тақдим этилган. Ҳар бир партия маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги ўз партия гуруҳларига таянади, зеро уларнинг узвий ҳуқуқлари – жойлардаги сессиялар кун тартибини тузишда иштирок этиш, кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда гуруҳ вакилига кафолатланган сўз берилиши, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикасининг вазирларига ва бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўровлар билан муурожаат этиш, тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақ-

дим этиш ташаббуслари ва бошка ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган, халқаро ва миллий давлатчилик қурилишининг энг илғор ва ижобий тажрибаларига таянган миллий парламентаризмни ривожлантириш концепциясига асосланган, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда танланган йўл нақадар тўғри эканлиги ўзининг тўлиқ тасдиғини топмоқда.

Юртбошимиз томонидан парламентга қаратилаётган катта эътибор туфайли ҳам Ўзбекистон парламенти фаолиятида ижобий ва кескин ўзгаришлар юз берди ва мамлакатда олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотлар туфайли йилдан-йилга давлатнинг энг олий қонун чиқарувчи органи учун, унда фракцияларига эга бўлган сиёсий партиялар учун янада катта йўналишлар ва имкониятлар яратиб берилди.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни<sup>1</sup>нинг кучга кириши сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари фаолияти учун катта туртки бўлди, фракциялар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини янада кучайтирди, унинг қуйи палатадаги мавжуд ваколатлари қаторига янги имкониятлар қўшилди, қонун ташаббускорлиги яна ортиб, парламентнинг қуйи палатасида қабул қилинаётган қарорлар ва қонунларга етарли ва асосланган партиявий таъсир ўтказиш мумкин бўлди. Ҳар бир партия учун ҳар бир масала юзасидан шаклланаётган қонун тартибига сиёсий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 151-модда.

платформа ва электорат манфаатларидан келиб чикиб фикр билдириш ва уни етарли имконият, ваколатлардан фойдаланиб ҳимоя қилиш, ўз нуқтаи назарини оммалаштириш ҳамда тасдиқлаш учун катта масъулият ва жавобгарлик кучайтирилди.

Конституциявий Қонун аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини кучайтиришда, чинакам кўппартиявийликни ривожлантиришда, демократик ислохотларни чуқурлаштиришда ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу Қонун парламентдаги турли сиёсий йўналишларга амал қилувчи партиялар фракцияларининг ҳукукий мақомини, уларнинг қонун ижодкорлиги иши самарадорлигини оширишда туган ўрнини, фракциялараро соғлом тортишувни белгилаб берди. Парламентдаги кўпчиликнинг ва парламентдаги муҳолифатнинг ҳукуқлари қонунчилик йўли билан янада мустаҳкамланди.

Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли, қарорлар қабул қилишда партияларнинг нуқтаи назарига эътибор кучайди. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракцияларининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти тубдан ўзгарди.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида берилган ваколатлар доирасида ЎзЛиДеП, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларининг Демократик блоки тузилиб, самарали фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси бирмунча вақт мобайнида парламент муҳолифати сифатида ўзини ифодалаб келди. Қонун сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг шакллантирилишига, уларнинг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати йўлга қўйилишига фаол таъсир кўрсатиши учун таъшилий-ҳукукий шароитлар яратди. Булар эса демокра-

тик ислохотлар жараёнига, кўппартиявийлик тизимининг тадрижий ривожланишига, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари мустақамланишига улкан таъсир кўрсатди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган тизимли, изчил ва босқичма-босқич демократик ўзгартиришлар жараёни, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, фуқаролик жамияти институтларининг етуклик даражаси ўсганлиги ҳокимиятнинг конун чиқарувчи, вакиллик органлари фаолиятини шакллантириш ва ташкил этишдаги, уларнинг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишдаги тутган ўрнини мустақамлашда сиёсий партияларнинг родини янада кучайтириш масаласини кун тартибига қўйди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатларини янада эркинлаштириш ва такомиллаштиришни тақозо этди.

Давлатимиз раҳбари таклифига биноан Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун мамлакатимизнинг демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида янада ривожланиб боришини таъминлаш борасида улкан аҳамиятга эга бўлган айнан шу вазифаларни ҳал этишда катта туртки бўлди.

Мазкур қонун мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага кўпайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Бунда 135 депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича

кўппартиявийлик асосида сайланади. Шу аснода сиёсий партияларнинг парламент куйи палатасидаги вакиллиги кенгайди, бу эса сиёсий партияларнинг парламент фаолиятини ташкил этиш, мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг самарали қонунчилик базасини шакллантиришдаги роли ва таъсирини янада ошириш манфаатларига мос тушади.

Ўн бешта депутатлик ўрни ўз сафига кенг жамоатчиликни, мутахассислар, олимлар, шунингдек, шу соҳада фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларни бирлаштирган оммавий жамоат ташкилоти – Ўзбекистон экологик ҳаракатига ажратилади. Шу тариқа, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига янги институт – депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан ҳокимият вакиллик органларига фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қоида чиқариб ташланди, бу эса сайловга доир қонунчиликдаги яна бир муҳим янгилик бўлди.

Сайлов тўғрисидаги аввалги қонун ҳужжатларига мувофиқ сиёсий партиялар билан бир қаторда бевосита фуқаролар ҳам ташаббускор гуруҳлар тузиш ва ўз номзодини қўллаб-қувватловчи муайян миқдордаги имзолар тўплаш орқали депутатликка номзод кўрсатишлари мумкин эди. Бунда ташаббускор гуруҳ томонидан кўрсатилган номзод қандайдир ҳаракат дастурига эга бўлиши шарт эмас эди, унинг ўзини номзод қилиб кўрсатган ташаббускор гуруҳ олдида бирор-бир мажбурияти ҳам бўлмаган, чунки номзод кўрсатганидан ва номзоди ҳокимият вакиллик органига сайланганидан кейин ташаббускор гуруҳнинг фаолияти тугайди.

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сайловларни анча сезиларли равишда эркинлаштириш ва демократлаштиришга кўмаклашадиган бир қатор ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга янги «Сиёсий партиянинг ваколатли вакили» институти киритилди. Мазкур моддада депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли эканлиги белгиланди. Худди шунга ўхшаш норма «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга ҳам киритилди.

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варакаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текшириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Ушбу норма холисликни янада кўпроқ таъминлаш ва сайловлар очик бўлишининг, уларни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг қўшимча кафолатларини яратиш имконини берди.

Сиёсий партияларнинг сайловда фаол иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунида сайловда иштирок этиш ниятида бўлган партияни Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олишининг аввал белгиланган муддати қисқартирилди. Хусусан, амалдаги қонунчиликда бу муддат олти ой эди, энди кўпи билан тўрт ойни ташкил этади. Бундан ташқари, муқаддам сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 50 минг нафар сайловчининг имзосини тўплаши лозим бўлган бўлса, энди бу миқдор 40 минг нафарга туширилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг «Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов

комиссияси томонидан...» ташкил қилинишини белгиловчи қоидалари «Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда...» ўтказилишини, «Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб...» олинишини назарда тутувчи норма билан алмаштирилди. Бундай ўзгариш орқали сиёсий партиялар сайловнинг бутун жараёнига янада фаол таъсир кўрсатишлари учун имконият юзага келади, партиялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш учун шароит яратилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони аввалги 5 нафар ўрнига 10 нафаргача кўпайтирилди. Ушбу норма сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга ўз сайловолди кампанияларини сайловчиларнинг янада кенгрок доирасини камраб олган ҳолда фаол ўтказиш имконини берди.

Конституциявий Қонунга мувофиқ Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг фаолияти устидан назорат қилиш борасидаги ишлари кучайтирилди, партия гуруҳларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида тасдиқланган шахсларнинг кониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқи берилди. Агар бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланса, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббусни халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритиши ва муҳокама натижаларига мувофиқ ушбу масала юзасидан қарор қабул қилиниши белгиланди. Бу сиёсий партиялардан мамлакатда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг самарадорлигига

эришишда талабчанликни, ҳокимият вакилларидан эса хушёрликни талаб этади. Чунки ҳокимлик лавозимига тайинланган шахслар фаолияти давомида хато ва камчиликларга ёки сунистеъмолчиликка йўл қўймайди деб ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бу билан мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилади.

Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши мамлакат ва жамият ҳаётида олиб борилаётган изчил ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, бу қонунлар сиёсий партияларнинг жамият ва халқ олдидаги ва ҳар бир партиянинг ўз сайловчилари ҳамда партия электоратлари олдидаги масъулиятини оширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: «Мана шу юксак минбардан туриб қатъий таъкидлашни истардим: агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислох этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз»<sup>1</sup>, деб таъкидлади.

Белгилаб берилган ушбу муҳим вазифаларнинг изчил ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан давлат ҳокимияти тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига риоя қилган ҳолда,

---

<sup>1</sup> «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир», Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан, 2010 йил 27 январь.

парламент ҳокимиятининг амалий ролини кучайтириш, кўппартиявийлик тизимининг янада ривожланишига, сиёсий партиялар фаоллигининг кескин ошишига, улар ўртасида рақобат асосидаги курашнинг кучайишига шариоит туғдирадиган қонуний асосларни такомиллаштириш ва ривожлантириш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаси бўлиб қолаверади.

Зеро, партиялар ўртасида доимий кураш – гоё ва дастурлар кураши парламентнинг кундалик фаолиятида намён бўлмоқда, парламент фаолиятида ҳар қайси партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига собитқадамлик билан эришишга ҳаракатда давом этмоқда.

Жамиятдаги муайян сиёсий кучлар ва ўз ижтимоий катламлар манфаатларини ифода этадиган партияларнинг гоёлари, дастурий вазифалари ҳаётда ўз ўрнини топа олиши даражаси ёки уларнинг мавқеи кўп ҳолларда ва асосан уларнинг парламентдаги фракциялари ўртасидаги рақобатнинг кескинлик даражасига қараб белгиланади, бу эса ўз-ўзидан қабул қилинаётган қонунларнинг сифатига ижобий таъсирини кўрсатади, бу ҳолат орқали парламент ролини, унинг мамлакатимизда юз бераётган жараёнлардаги иштироки даражасини англаб олиш мумкин. Бугунги кунда ҳаётнинг ўзи ҳар қайси партияга ягона талабни – чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатдош лойиҳалар ва дастурларни тақдим этишни тақозо этмоқда.

## **ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ: СОФ ТАБИЙ МУҲИТ ҲОЗИРГИ ВА КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР УЧУН**

Бугун Ўзбекистонда қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари қаторида 100 дан ортиқ экологик йўналишдаги нодавлат нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳам фаолият олиб бормоқда.

Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатда атроф-муҳитни, инсон соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини қайд этиш зарур. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда бой табиий ресурсларни асраш ва улардан тежамли фойдаланиш, соф табиий муҳитни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаш йўли танланди. Жумладан, узоқ муддатли Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш давлат дастури ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишнинг тизимли чора-тадбирлари изчил жорий этилмоқда, жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган Орол денгизини сақлаб қолиш ва Оролбўйидаги экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича бир қанча комплекс ташаббуслар илгари сурилди ва амалга оширилмоқда. Ҳаво ҳавзасини соғломлаштириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асрашга доир бошқа муаммолар ҳал этилмоқда.

Бу, аввало, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштириш ишида жамоатчиликнинг фаол иштирокини ҳар томонлама ошириш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қабул қилинган қонунлар ва бошқа давлат ҳужжатлари амалга оширилишини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича тизимли иш олиб боришдир.

Мамлакатимизнинг тараққиёт ва демократия йўлидан барқарор боришида мавжуд бой табиий ресурслар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бу – мамлакатимиз аҳолисининг маънан бой ва соғлом ҳаётини таъминлашдаги асосий шарт ва омиллардан биридир.

Халқимиз бошидан ўтказган тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими атроф-муҳитга беписанд муноса-

батда бўлиш, табиий ресурслардан ваҳшиёна фойдаланиш билан мамлакатимиз табиатига катта зиён етказди. Ушбу давр ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генофондига салбий таъсирни, биологик хилма-хилликнинг кискариши, катта ҳажмдаги саноат ва бошқа тур чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг деградацияси, Орол денгизи ҳалокати каби минтакавий ва глобал микёсда ечилиши зарур бўлган экологик муаммоларни мерос қилиб қолдирди. Бу ва шу каби бошқа муаммолар инсон ҳамда унинг манфаатлари ҳимояси, биринчи навбатда, соғлом ва мусаффо атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш амалга оширилаётган барча ислохотларнинг ўзагини ташкил этган замонавий Ўзбекистон учун зарур бўлган табиий атроф-муҳитни асраб-авайлашни ва уни соғломлаштиришни долзарб қилиб қўйди.

Мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларининг олдини олиш борасида муайян тажриба орттирилган бўлса-да, соҳадаги вазифаларнинг микёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил этилиши фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантиришда, жамиятни демократик янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш жараёнларида уларнинг ролини мустаҳкамлашда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли соғлиғини ҳимоя қилишнинг долзарб вазифаларини ҳал этишда алоҳида муҳим кадам бўлди.

Экоҳаракат сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш жараёнида экологик йўналтирилган ёндашув Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишида энг муҳим омил бўлиб ҳисобланишига ишонган, атроф-

мухит ва инсон саломатлиги ҳақидаги ғояларни қўллаб-қувватловчи ҳамда уларни амалга ошириш истагида бўлган мамлакатимиз фуқароларини бирлаштиришга йўналтирилган.

Экоҳаракат Ўзбекистон фуқароларининг hozirги ва келгуси авлоди кулай атроф-мухит шароитида яшаш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, барча табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳуқуқларини ҳамда уларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда жамиятнинг бор куч ва салоҳиятини сафарбар қилишга интилади.

Экоҳаракат «Соғлом мухит – инсон саломатлиги» ғоясини ўзининг асосий шиори ҳисоблайди ва унинг амалий бажарилишини таъминлаш мақсадида ўз олдига қуйидаги дастурий вазифаларни қўяди.

1. Экоҳаракат атроф-мухит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштироки фаоллигини ҳар томонлама кучайтиришни, бу орқали асосий эътиборни табиий мухитни муҳофаза қилиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг умумий вазифаси бўлиб қолишига қаратади, шунинг учун Экоҳаракат ўз саъй-ҳаракатларини:

– ўз иштирокчилари ва ташкилотларида, ҳамкорларида минтақавий, миллий ва маҳаллий экологик ҳамда аҳоли саломатлиги муҳофазаси яхлит дастурларини ишлаб чиқиш ва бажаришдаги амалий иштирокларини фаоллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни шакллантириш;

– ўз иштирокчилари ва ҳамкорларининг давлат органлари ва жамоат тузилмалари томонидан мавжуд экологик муаммоларини ҳал этиш ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф қилиш соҳасидаги конун ҳужжатлари ижроси борасидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш;

– жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг муайян экологик муаммоларни ҳал этишдаги ҳамкорликлари самарадорлигини ошириш ва ривожлантиришга йўналтирган.

2. Табиий атроф-муҳит муҳофазаси масалаларида қабул қилинган қонунлар ва давлат миқёсидаги бошқа қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда бу соҳадаги қонунчиликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш бўйича тизимли ишларни юритишни назарда тутиб:

– давлат идоралари, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари, барча корхона ва муассасаларнинг атроф-муҳит муҳофазаси, сув ва ҳаво ҳавзалари, ер ва биологик ресурслар ҳолатини яхшилаш ҳамда уларни чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги амалдаги қонунлар ва бошқа қарорлар ижросини таъминлаш бўйича ишларини қўллаб-қувватлаш ва кенг жамоатчилик кўмагини шакллантириш;

– давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари томонидан экологик ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш, экологик ва аҳоли саломатлиги муҳофазаси соҳасидаги қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ҳолда ривожлантириш мақсадида янги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, амалдаги қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилиши бўйича ташаббуслар билан чиқиш;

– фуқароларнинг қулай табиий атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини ҳимоялашга ҳамда табиатдан фойдаланиш соҳасида иктисодий механизмларни жорий этишга қаратилган экологик хавфсизликни комплекс тарзда таъминлаш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни амалга ошириш;

— мамлакатда экологик ҳукукбузарликлар ва табиатга бошқача тарзда зарар етказганлик учун корхона ва ташкилотларнинг, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқароларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

— экологик ҳукукбузарликлар ва табиатга зарарли бўлган бошқа таъсирлар оқибатларини бартараф этиш, шу жумладан, трансчегаравий аҳамиятга эга бўлган ҳолатларда ҳам улар томонидан атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига етказилган зарарни қоплашни ҳукукий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда ҳукуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш;

— қонунчилик йўналишида саноат, кишлок хўжалиги, транспорт ва энергетиканинг барча соҳаларида экологик тоза ва хавфсиз, сув, ресурс ва энергияни тежовчи технологияларни амалиётга татбиқ этишни ташкил этишда иқтисодий, молиявий, солиқ ва бошқа воситалар ҳамда рағбатлантириш усуллари қўлланишини янада такомиллаштиришга қаратилган, энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва босқичма-босқич қайта тикланувчи энергия турларига ўтишни ва янги самарали услублар ҳамда инновацион кишлок хўжалиги технологияларини қўллаш ҳисобига ерларнинг ҳосилдорлиги ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишни химоя қилишнинг ҳукукий асосларини яраштиришга интилади.

3. Табиий атроф-муҳит муҳофазаси ва шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида қабул қилинган ҳужжатларни ижро этишда марказ ва жойларда давлат органлари, жамоатчилик ва бошқа тузилмалар масъулиятини оширишда, Экоҳаракат:

— атроф-муҳит муҳофазаси ва табиатдан ҳамда шу мақсадларга ажратилган ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва давлат миқёсидаги бошқа

қарорлар бажарилиши учун марказда ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг масъулиятини оширишга ҳар томонлама кўмаклашади;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва объектлар, экологик сертификатлаш ва экспертиза тўғрисидаги, чиқиндилар билан муносабатда бўлиш ҳамда ишлаб чиқаришда экологик талаблар тўғрисидаги, сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги, ер тўғрисида, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, ўрмонлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги, мамлакат аҳолисини сифатли ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш ишларини жадаллаштириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг сув ресурсларидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш борасидаги жавобгарлигини кучайтириш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг табиий атроф-муҳит мониторинги дастурлари тўғрисидаги, Оролбўйи ва мамлакатнинг экологик ноқулай бошқа ҳудудларида экологик ҳолатни барқарорлаштириш, қайта тиклаш ва соғломлаштириш тўғрисидаги, экологик хатарли ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг генотипини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларнинг самарали мониторингини амалга оширади.

4. Аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириб боради ва бу борада қуйидаги халқаро лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва уларда фаол иштирок этишни назарда тутди:

– чуқур экологик муаммоларни ҳал этишда ҳамда инсон тараққиётида халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш;

— минтақада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизациялашда экологик йўналиш устуворлигини таъминлаш;

— экологик тоза технологиялар, био ва нанотехнологияларни татбиқ этиш, ишлаб чиқаришда экологик новацияларни қўллашга қаратилган экологик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш;

— халқаро молиявий институтларни атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги, экологик вазият, экологик тиббий таълим ва тарбияни яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги устувор дастур ва лойиҳаларни инвестициялаш ва кредитлашга жалб қилиш.

5. Атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлишига эришиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари, Қонунчилик палатасининг депутатлари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиради. Шу мақсадда Экоҳаракат:

— давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини сақлаш масалалари бўйича шерикчилик муносабатларини ривожлантиради;

— умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув муассасалари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оила ва шахснинг экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга кўмаклашади.

Ўзбекистонда юксак экологик маданият даражасига, ҳар бир фуқаро томонидан мамлакатнинг ноёб табиати халқимиз тарихий меросининг ажралмас қисми эканлиги

ва келажак авлодлар учун уни асраб-авайлаш заруратининг англанишига эришишда барча манфаатдор давлат органлари ва жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини изчил уйғунлаштиради.

6. Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш йўлида Экоҳаракат ўзининг дастурий мақсадларини амалга ошириб, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилади. Шу мақсадда:

– муайян экологик муаммоларни ҳал қилиш учун экология соҳасида жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш орқали жамоатчиликнинг фаоллигини ривожлантиришга кўмаклашиш ва бу борада ташаббускор бўлишни; ёшларнинг экологик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни, ёшларни табиатни муҳофаза қилиш ишига фаол жалб этишни; мамлакат ер ва сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишдаги муаммоларини ҳал этиш мақсадида экологик ҳаракатга фермерлар ва аграр соҳанинг бошқа ходимларини кенг миқёсда жалб этишни; одамларда ўз соғлигини сақлашга, табиат қонунларидан келиб чиққан ҳолда ҳаёт фаолиятларини ташкил этиш муносабатларини шакллантиришга йўналтирилган саломатлик, соғлом турмуш тарзи фалсафасини тарғиб қилишда халқ таълими ва соғлиқни сақлаш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Жамоатчилик эътиборини экологик соғломлаштириш ва атроф-муҳит муҳофазаси муаммоларини изчил суръатда

ҳал этиш заруратига қаратган ҳолда, Экоҳаракат мамлакатимизнинг барча фуқароларини она Ватанимизнинг бебаҳо табиий бойликларини келгуси авлодлар учун асраб-авайлашдек олий вазифани бажаришда фаол иштирок этишга чақиради.

Юқорида таъкидланганидек, давлат ҳокимияти вакиллик органларига демократик сайлов ўтказиш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келадиган сайлов қонунчилигимиз тўлиқ шакллантирилган.

Бугунги кунда сайлов тизимимиз барча демократик принципларга асосланган миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ишляпти, сайловда тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларининг суд орқали ҳимояси таъминланган, уларда жамоатчилик ва халқаро кузатувчилар иштирок этмоқда. Энг асосийси конституциявий ҳисобланган халқ ҳокимияти принципи амалда татбиқ этилган.

Сиёсий партиялар бирмунча сиёсий етукликка эришганлар, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш бўйича партияларнинг ислохотларни амалга оширишдаги ролини инобатга олган ҳолда, сайлов қонунчилигимиз янада такомиллаштирилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партиялар вакиллиги кучайтирилди.

Шу талабдан келиб чиқиб, Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида яна бир муҳим кадам бўлди.



## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш – Ўзбекистоннинг стратегик мақсади .....	8
Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамиятнинг асоси... 12	
Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уларни такомиллаштириш истиқболлари .....	18
Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси .....	24
«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси (Фонд Форум).....	28
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолияти – ижтимоий шерикликнинг ёрқин тимсоли.....	41
Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси .....	44
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот восита- лари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди .....	46
Маҳалла – фуқаролик жамияти институтининг ноёб миллий тимсоли .....	49
Сийёсий партиялар – жамиятимиз кўзгуси .....	57
Ўзбекистон Экологик ҳаракати: соф табиий муҳит ҳозирги ва келажак авлодлар учун .....	68

Ижтимоий-сиёсий нашр

*Адҳам Хурсанбоевич Шодмонов*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

Мухаррир	<i>А. Саъдуллаев</i>
Кичик муҳаррир	<i>Д. Холматова</i>
Бадий муҳаррир	<i>К. Закирова</i>
Техник муҳаррир	<i>Т. Харитонова</i>
Мусаххилар	<i>М. Исмоқов, С. Салохутдинова</i>
Компьютерда тайёрловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лицензияси АИ № 158. 14.08.09.

Босишга рухсат этилди 14.04.2011. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табағи 4,2. Нашр табағи 3,68.

Нусхаси 3000. Буюртма № 11-92.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptduzbekistan.@ mail.ru

www.iptd-uzbekistan. uz